

Транспорт воситаси асосиз равишда жиноят қуроли деб эътироф этилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 27 августдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Амударё туман судининг 2014 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, Т. Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят қуроли деб эътироф этилган Я.га тегишли "BMW-252-I" русумли автомашина давлат эгалигига ўтказилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. шу иш бўйича судланганлар М. ва Ю. билан олдиндан ўзаро тил бириктириб, Ф.дан сотиб олган 15 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситасидан 0,47 граммини ажратиб олиб, 2014 йил 18 январь куни соат 17 ларда Беруний туманидаги 1 сентябрь кўчасида ўзининг бошқарувидаги "BMW-252-I" русумли автомашинада М. ва Ю. билан чекиш орқали истеъмол қилаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланган. 14,53 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 10-бандида, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкинлиги, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан фақат улов сифатида эмас, балки қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарурлиги (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган бўлса) ҳақида тушунтириш берилган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, Т. фуқаро Я.га тегишли автомашинани жиноят содир этиш учун мослаштирмаган, автомашина салонини кўриш имкониятини камайтириш ёки кўриш имкониятини бермаслик мақсадида махсус жиҳозламаган ҳамда жиноят содир этишни осонлаштириш учун автомашинадан қурол сифатида фойдаланмаган.

Жиноят ишидаги ашёвий далилни олиш тўғрисидаги баённома, терговчининг ИИБ бошлиғи номига ёзган билдиргисида М. ўзлари сотиб олиб, истеъмол қилганидан қолган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини курткази чўнтагидан олиб, ихтиёрий равишда ИИБ ходимларига тақдим этгани қайд этилган бўлиб, "BMW-252-I" русумли транспорт воситасини кўздан кечириш жараёнида автомашинадан жиноятга алоқадор нарса ва буюмлар топилмаган.

Биринчи инстанция суди, тергов органининг Я.га тегишли "BMW-252-I" русумли автомашинани жиноят қуроли деб эътироф этиш ҳақидаги асослантилмаган қарорини муҳокама қилмасдан, автомашинани давлат эгалигига ўтказиб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди иш ҳолатларини нотўғри талқин қилиб, Т. ва бошқалар автомашина салониди "марихуана" гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилгани ҳамда М.нинг чўнтагидан 14,53 грам "марихуана" гиёҳвандлик воситаси олинганини асос қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолда суд ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримининг автомашинани жиноят қуроли деб эътироф этиш ҳамда давлат эгалигига ўтказиш қисмини қонуний ва асосли деб бўлмаслиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг 2015 йил 5 мартдаги ажрими билан Т.га оид суд қарорларининг "BMW-252-I" русумли автомашинани жиноят қуроли деб топиш ва давлат эгалигига ўтказиш қисми бекор қилиниб, автомашина эгаси Я.га қайтарилди, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назорат иши № 5-76-15

